

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

4-2018
август

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

А.ЗИЯЕВ

Турли тизимли тилларда “интенсификация” концептуал семантикасининг морфологик сатҳда ифодаланиши 72

Х.ЖАББОРОВ, Э.ЖАББОРОВ

Қарши топонимлари тадқиқотчиси..... 76

Н.АЛИБОЕВА

Инглиз тилида тасвирий маънонинг ифодаланиши 80

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ**Ф.РАШИДОВА, Ш.ИГАМБЕРДИЕВА**

Талабалар томонидан 1-даражали чет тилларни ўзлаштиришнинг замонавий муаммоларини таҳлил қилиш..... 84

А.НУРМУҲАМЕДЖАНОВ

Таълимда замонавий технологик ёндашув омиллари..... 88

Н.БАЙДУЛЛАЕВА, И.ДОМУЛАДЖАНОВ, Ш.ДОМУЛАДЖАНОВА, С.ИСРОИЛЖОНОВ

Лицей, коллеж талабалари, мактаб ўқувчиларининг ақлий меҳнатга резистентлигига экологик шароитларнинг таъсирини ўрганиш..... 92

Э.МИРЗАЖОНОВА, А.ҲОМИДОВ

Нутқида камчилиги бўлган мактабгача ёшдаги болаларга психологик-коррекцион усулларнинг мослиги ва самарадорлиги муаммолари 96

ИЛМИЙ АХБОРОТ**И.НЕЪМАТОВ, С.КУКИЕВА**

Боғлиқмас тасодифий сондаги тасодифий миқдорлар йиғиндисининг максимумини баҳолаш ҳақида 100

А.ЮСУПОВА, С.ЎКТАМОВ

Натурал сонларни кўпайтиришнинг бир усули ҳақида 102

Р.УМУРЗАКОВ

Носир Фозиловнинг “Саратон” қиссасида ўсмирнинг руҳий олами ва ижтимоий муҳит 104

М.САИДАКБАРОВА

Алишер Навоий ижодида тарихий ҳақиқат ва бадиий тўқима 106

Ф.ОРИПЖОНОВА

Фарида Афрўз лирикаси 109

Д.ХОДЖИМЕТОВА

Адабиётни ўқитиш жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланиш..... 111

Л.СИНДОРОВ

“Ҳибатул-ҳақойиқ”даги айрим ўзлашмалар хусусида 113

У.УМУРЗАКОВА

Лингвокультурология ва прагматингвистиканинг алоқадорлигига доир..... 116

Т.ЭГАМБЕРДИЕВА, Н.ИСРОИЛОВ

Оиладаги маънавий муҳитни яратишда ота-она ибрати – жамият тараққиёти омили..... 118

М.БАҲРОМОВА

Маданиятнинг эстетик потенциали ва унинг ўзига хослиги 121

Ш.Б.ХОЛИҚУЛОВА

Қоровулбозор нефтни қайта ишлаш заводи қурилиши тарихи..... 124

АДАБИЙ ТАҚВИМ

Фарғона давлат университети (собик олий педагогика институти)нинг иккинчи директори Босит Қориев 127

УДК: 82/89

НОСИР ФОЗИЛОВНИНГ “САРАТОН” ҚИССАСИДА ЎСМИР РУҲИЙ ОЛАМИ ВА ИЖТИМОИЙ МУҲИТ

Р.Умурзаков

Аннотация

Ушбу мақолада ёзувчи Н.Фозиловнинг “Саратон” қиссасидаги ўсмир образи таҳлил қилинган. Ушбу образнинг шаклланишига ижтимоий муҳит таъсири, унинг руҳий оламидаги ўзгаришлар ўрганилган.

Аннотация

В данной статье проанализирован образ подростка из повести “Саратон” писателя Н.Фозилова. Художественная цель писателя, подразумеваемая в описании детства, раскрывается в содержании подтекста. Показаны общие свойства повести, в которой главенствует описание детства.

Annotation

In this article the adolescent's character in the story “Saraton” (“The heat”) by N.Fozilov is analyzed. The literary purpose of writer consists in childhood description, which is contained on the subtext of the story. The common features in this novel with dominating the childhood description are shown.

Таянч сўз ва иборалар: бола образи, қисса жанри, қиссачилик анъаналари, психологизм, сўз психологияси, психологик тасвир, руҳий эркинлик, биогенетик омил, социогенетик омил, автобиографик характер.

Ключевые слова и выражения: жанр повести, традиции повествования, психологизм, психология слова, психологическое описание, душевная свобода, биогенетический принцип, социогенетический принцип, автобиографический характер.

Keywords and expressions: story genre, psychologism, tradition of story writing, psychology of word knowledge, word psychology learning, autobiographic character.

Носир Фозиловнинг “Саратон” қиссаси 1972-1973 йилларда ёзилган бўлиб, унда иккинчи жаҳон уруши йилларидаги ижтимоий муҳит ўсмир ёшидаги болалар, яъни Тўра ва Камола орқали очиб берилган. Бутун халқни ўз домига тортган уруш болаларни ҳам четлаб ўтмайди. Фронт ортидаги ижтимоий ҳаёт уларнинг руҳиятида кескин бурилишлар ясайди. Тўра ва Камола образи қисса марказини эгаллаб, сюжет чизиғи уларнинг ҳаёти ва ички кечинмаларидан таркиб топади. Адибнинг бошқа қиссалари қаҳрамонларига ўхшаб Тўра ва Камола халқ мушкуллари осон қилиш, эл-юрт тинчлиги ва эзгулик учун курашадилар. Лекин улар бошқа қиссалардаги қаҳрамонлар, хусусан, “Оқим” даги Сарвар ва Аъзамжонларга нисбатан мустақил фикрли, курашчан ўспиринлар сифатида гавдалантирилади.

Носир Фозилов мазкур қиссада болалар образи ва ҳаракатларини реал, жонли тасвирлар орқали кўрсатиб беради. Қиссада тасвирланган даврда адибнинг ўзи ҳам айнан ўсмирлик ёшида бўлгани ва ўзи ҳам қаҳрамонлари каби уруш йилларида халқ хизматида бўлганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Адиб бир суҳбатида: “Саратон”даги бола ўзимман. Асардаги муҳаббат ҳам менинг биринчи муҳаббатим. Ўша хирмондаги воқеалар ҳам ўзимники. Асардаги Камола билан гаплашган ҳам ўзим. Мен уруш фарзандиман, айна Иккинчи жаҳон уруши бошланганда 12 ёшда эдим. Ўша уруш йилларидаги бутун дардлар характерларимга обдон сингиб кетган. Шу ёшда ғўза оралаб, сув суғориб, культивация қилиб юрганман, хирмон

хайдаганман”, деган эди [1.132-133].

Хуллас, адиб ўзи кўрган-кечирган воқеаларни қиссага олиб кириши, ўз руҳиятидаги эврилишларни қаҳрамонлари руҳиятида тасвирлаши реаллиқни таъминлаган. Қиссада болалар жуда тез улғаядилар. Бунга асосий сабабчи ижтимоий ҳаётдаги воқеалардир.

“Абдиқамол” дея атаб юргани қиз бола эканлигини, унинг асл исми “Камола” эканлигини билмай юрган Тўра уни сойда чўмилаётганини кўриб, фикрлари алғов-далғов бўлади. Унга нисбатан бошқача ҳис билан қарай бошлайди. Қисса давомида Тўра физиологик, психологик ва маънавий жиҳатдан ўзгариб, ўсиб боради. Шу жиҳатларни ҳисобга олиб, уни динамик образ, дейиш мумкин. Адабиётшунос Д. Қуроновиқнинг фикрича, “Динамик принцип асосига қурилган характерлар психикаси уларнинг муайян ҳаётий ситуацияларда ўзини тутишлари, хатти-ҳаракатлари ва гап-сўзлари орқали очилади” [2.187-188].

Тўранинг руҳияти ҳам ҳаётий ситуацияларда ўзгаради ва бу ўзгаришлар унинг ҳаракатида, гап-сўзларида кўринади.

Руҳшунослик манбаларида ўспирин ёшидаги болаларнинг хатти-ҳаракатлари, қизиқишлари, улардаги психофизиологик ўзгаришлар ҳақида кенг амалий маълумотлар берилади. Қиссадаги болалар ҳам ўспиринликка хос барча жиҳатларни ўзларида намойиш қиладилар. Адибнинг маҳорати китобхонни қаҳрамонлар хатти-ҳаракатига ишонтира олишида кўринади.

Уруш туфайли бутун халқнинг туриш-турмуши, яшаш тарзи ўзгаради. Кексалар, аёллар ва болалар фронт

Р.Умурзаков – ФарДУ ўзбек адабиётшунослиги кафедраси ўқитувчиси.

ортида, яъни меҳнат фронтларида бирдамликда ишлашга мажбур бўладилар. Бу эса одамларни яна ҳам бирлаштиради. Физиологик жиҳатдан ўзларида ўзгаришларни бошдан кечираётган ўсмир болаларнинг руҳий—маънавий олами ҳам ўзгариб боради. Улар ижтимоий ҳаётдаги воқеалар туфайли ўсмирликдан ўспиринликка, яъни балоғат ёшига анча эрта қадам қўядилар.

Уруш давридаги сиёсий мафкурага биноан “ҳамма нарсa фронт учун, ҳамма нарсa ғалаба учун” сафарбар этилган эди. Фронт ортидагилар туну кун меҳнат қилишга мажбур бўлганлар. Ғалабадан сўнг фронт ортидаги меҳнатлари учун кўплар қаҳрамон даражасига кўтарилган ва адабий қаҳрамон сифатида бадиий асарларда гавдалантирилган. “Саратон” даги болалар ҳам том маънодаги қаҳрамонлардир. Улар ҳам катталар каби уруш машаққатларини бошдан кечирган, фақат улар асарда ғалабага ҳисса қўшган қаҳрамон сифатида яратилмаган. Улар болалиги уруш йилларига тўғри келган, меҳр-муҳаббат туйғулари кучли ривожланган, давр воқеаларини ўз руҳиятларида акс эттирган, болалиги эрта бой берилган жабрдийда болалар сифатида тасвирланган.

Хусусан, Тўра аввал руҳиятида пайдо бўлган, кейин ҳаракатларида акс этган барча юмушларни, энг аввало, ўзгаларга меҳр-муҳаббат ва раҳмдиллик туйғусининг кучли ривожланганлиги туфайли амалга оширади. Тўра қаерда жонбозлик кўрсатмасин, бирор ўринда “ғалаба” сўзини тилга олмайди. Унинг барча ҳаракатлари руҳиятидаги ўзгаришларнинг бадиий инъикосидир.

Тўра руҳиятидаги меҳр-муҳаббатни ўзга миллат болаларига бўлган муносабатларида кўриш мумкин. Уруш болаларни ҳам бирлаштиради. Улар миллатларидан қатъий назар, бир-бирларини ҳимоя қиладилар. Тўра украин бола Сергей билан тез тил топишади. Сергей ва унга ўхшаш ўзга юртлардан кўчириб келтирилган болалар ҳам катталардан кўра маҳаллий болалар билан тез алоқага киришадилар.

Ўзга юртда оч-наҳор кун кечириётганларни кўриб, Тўра “ошолол” удумини қайта жорий қилади. Уйма-уй юриб, ўзга юртлардан келганлар учун озиқ-овқат йиғади. Бунинг учун у шахсий орияти, Камола олдидаги хижолатпазликдан воз кечади. Бу ҳаракатларнинг барчаси энг аввало унинг руҳиятида пайдо бўлади: “Нима қилсам экан? Ваъдага вафо қимматми ё ориятми? Ахир бу

таклифни ўзим киритдим-ку? Бошқа биров эмас!... Қўлимга челак олиб, елкамга халта осиб уйма-уй “ошолол” деб қичқириб, садақа йиғиб юрганим уят бўлмасмикан? Камола нима деркин?” дерди бир хаёли. Яна бир хаёли унга тамоман қарама-қарши пичирлади: “Нима бўпти? Ахир мен уни ўзим учун қилаётганим йўқ-ку? Кўчиб келганларни деб, бева-бечораларни деб, урушнинг даҳшатини кўзи билан кўриб, заҳматини чекканлар учун, ишониб паноҳ тортиб келганлар учун шундай қилмоқчиман-ку. Бунинг нимаси уят? Ошолол йиғишни уят санаб, қўлимиздан келган ишни қилмай, аҳволи танг бегоналарнинг аҳволини яна ҳам танглаштиришнинг ўзи катта гуноҳ эмасмикан? Ўз ориятимни ўйлаб, катта гуноҳга йўл қўйганимнинг ўзи уят эмасми? Одамлар нима деса дер” [3.176].

Жамият ва жамият аъзоларининг турли иллатлари ҳамда кирдикорларини ўз қаҳрамони ҳаракатларида очиш орқали “Шум бола” қиссаси муаллифи бадиий-ғоявий мақсадларини амалга оширган эди. “Саратон”да эса муаллиф ижтимоий ҳаётдаги эврилишларнинг болалар руҳиятидаги таъсирини кенг тасвирлайди. Натижада болалар муҳит билан курашувчи ва бундан руҳий зарбаларга учровчи қаҳрамонлар сифатида талқин этилади.

Ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироклари орқали Тўра билан Камола атроф-муҳит ҳақида маълум хулосаларга келадилар. Қийинчилик пайтида ҳам осонни кўзлаётган, турли ноқонуний ишлар билан машғул бўлаётган кимсаларни учратадилар. Буларнинг натижасида болалар руҳиятида эврилишлар пайдо бўлади.

Руҳият тасвирига кенг ўрин берилган Тўра Камолани сойда чўмилаётганини кўрганда, ўзга юртдан бошпана сўраб келганларни кўрганда, эридан қорахат келиб аламзада бўлиб юрган аёлларнинг оҳ-воҳида, ўзга юртликларнинг оч-наҳор кун кечиришидан ўзига хулосалар чиқаради, ва бу, унинг руҳиятига таъсир этади.

Руҳият тасвирини беришда муаллиф қаҳрамон ҳаракати, гап-сўзлари, тушдаги ҳолати, ўй-хаёлларидан усталик билан фойдаланади.

Хуллас, қисса болалар руҳий олами кенг ёритиб берилганлиги, уларда меҳр-шафқат туйғуларининг кучли ривожланганлиги тасвири билан ажралиб туради. Халқлар дўстлиги, уруш халқларнинг минг йиллик анъаналарини барбод қилиши қиссадаги бола образининг бадиий функцияси сифатида белгиланган.

Адабиётлар:

1. Али У. Кўнгилга сайр, – Т., 2009.
2. Қуронов Д. Чўлпон насри поэтикаси, – Т.: Шарқ, 2004.
3. Фозилов Н. Саратон, – Т.: Шарқ, 2006.

(Тақризчи: А.Қосимов, филология фанлари доктори).